


ЛЕНИН КОМСОМОЛИ- КОММУНИЗМНИНГ АКТИВ ҚУРУВЧИСИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



БУГУН ТОШКЕНТДА
ЎЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛИ-
НИНГ XX СЪЕЗДИ ОЧИЛАДИ.
СЪЕЗД ДЕЛЕГАТЛАРИГА
АЛАНГАЛИ САЛОМ!



Суратда: республика комсомолларининг XX съезидига делегат бўлиб келган Тошкент области комсомол-ёшларидан бир гуруҳи.

А. Абалон фотоси.

П А Р Т И Я ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Бутун Ўзбекистон комсомолларининг XX съезди очилди. Ленинчи ёш авлодининг бу катта йиғилиши республикамиз комсомоллари ва ёшлари ҳаётида катта юққа бўлиб, ўтган съездан бугун қилинган ишларга янги ясадада ва галдаги вазифаларни белгилаб беради.

Ўзбекистон комсомолларининг съезди тарихий кунларда бўлиб ўтмоқда. Барча совет кишилари шунингдек, республикамиз меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини ва беш йиллик план ва тошчирилларини бажариш учун бутун куч-ғайрат, юксак ватанпарварлик намуналарини кўрсатиб қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми ҳалқимиз олдига янги, улкан вазифалар қўйди. Беш йилликнинг тўртинчи белгиловчи йили планининг муддатидан илгари бажарилиши — мамлакатимиз иқтисодисини, маданиятини янада юксалтириш, халқ фароғатини ошириш коммунизм моддий-техника базасини мустаҳкамлашнинг асосий омилларидан биридир.

Мамлакатимизда, шу жумладан республикамизда амалга оширилаётган улкан ишларга, ижодий ва бунёдкорлик ҳаракатларига назар ташлар эканмиз, барча соҳада, ҳар қил касбадаги кишилар меҳнатда ленинчи комсомол ва ёшларнинг шижоати, матонати, қалб ҳарорати тўғрисида ажойиб ва намунали ишлар бажарилаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Комсомол — партиянинг содиқ фарзанди ва ёрдамчиси сифатида коммунистик қурилишнинг барча участкаларида кекса авлод, ишчи ва деҳқонлар, интеллигентлар билан елкама-елка, бир сафда қаҳрамонона меҳнат қилмоқда.

Зарбдор қурилишларда ишлаётганлар, янги ерларни ошатишлар, шахта ва конларда меҳнат қилаётганлар, завод ва фабрикаларда қолхоз ва совхоз далаларида моддий бойлик яратяётганлар, Ватан ҳимоячилари, фазони забот этаётганлар, илм даргоҳларида ишлаётганлар, ажойиб спортчилар, қисқаси ҳамма соҳадаги меҳнат аҳли сафарида ёш авлод — комсомол ва ёшлар совет кийиништа хос олижаноб фазилатлари билан бутун эл-юрт изат-ҳурматига сазовор бўлмоқда. Умумхалқ социалистик мусобақасининг байроқдорлари ва зарбдорлари, янгилик ташаббускорлари бўлган комсомоллар ва ёшларнинг сафи кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон комсомолларининг съезди арафасида шу нарсани таъминлаш билан кўрсатиш мумкинлиги, пойтахт области комсомоллари ва ёшлари барча соҳаларда намуна кўрсатиб, партия тошчирилларини амалга оширишда

актив иш олиб бормоқдалар. Улар ёшларининг съездидаги маънавий-сиёсий жиҳатдан чиққан, ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланган, партия, Ватан тошчирилларини бажаришга ҳамisha тайёр ҳолда келдилар. Тошкент области комсомоллари ўтган давр ичида сифат ва сон жиҳатидан усди, мустаҳкамланди. Унинг сафарига саноат корхоналари, қолхоз ва совхозлар, қурилишлар, ўқув юртинларининг энг илгори йиғилиш ва қизлари бирлашган.

Областимиз саноат корхоналари ўтган йил беш йилликнинг учинчи ҳал қилувчи йили тошчирилларини ошгани билан бажардилар. Ватанга пландан ташқари кўпроқ маҳсулот етказиб берилди. Бу ишда комсомол ва ёшларнинг муносиб ҳиссаси бор. Улар план ва тошчирилларини ошгани билан бажариб, социалистик мусобақа илгорида сафда бордилар. Қазанцева, Деятова, Жўраева сингари минглаб ажойиб ишчиларининг ватанпарварлик ташаббуслари ва қаҳрамонона ишлари ёшларимизнинг олға томон интилишлари учун намуна бўлди. Олмалик, Чирчиқ, Охангарон, Бекobod ва Тошкент шаҳарларида олиб бориладиган зарбдор қурилишларда комсомоллар актив иштирок этидилар.

Областимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари беш йилликнинг учинчи йилида яхши кўрсаткичлар билан юқуладилар. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари кўпроқ етказиб берилди. Қишлоқ хўжалиги ишларини, айниқса, чорвачиликнинг комплекс ривожлантириш ва бу соҳанинг рентабеллигини оширишда бирмунча ижодий ишлар қилинди. Бу ишда ҳам комсомоллар ва ёшлар ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилдилар. Ўхшашдан юқори ҳосил олган, дон, сабзавотни кўпроқ еттиштирган, гўшт, сўт ва бошқа чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришда, техникани етказишда намуна кўрсатганлар комсомол ва ёшлар бўлди. Улар ота-оналари, ака-опаларининг ажойиб традицияларини давом эттириб, партия тошчирилларини ҳамма вақт бажонидил бажариб келмоқдалар.

Комсомол ва ёшлар билим чўққиларини етказишда, Ватан чегараларини қўриқлашда, физкультура ва спорт ишларини ривожлантиришда, республикамиз ва областимизда бўлиб этилаётган зарбдор қурилишларни тезроқ ишга туширишда, янги ерларни ўзлаштиришда ҳам ленинчи авлодга хос самараларни олиб бормоқдалар. Шу нарсани қувончлики, комсомоллар чорвачиликнинг етказиш базасини ривожлантиришда, айниқса, макка-жўҳорида юқори ҳосил еттиштиришда ташаббускор бўлиб майдонга чиқдилар. Комсомол ташкилотлари ёрдами билан мингларча механизатор-кадрлар тайёрланди. Яхши ишлар учун Тошкент областининг комсомол ташкилоти икки марта ВЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроғи билан мукофотланди. Республикамизда ўтказилган турли етказишлар, кўриқлар, мусобақалар ва учрашуларда пойтахт области комсомоллари актив қатнашдилар ва олдинги ўринларда бордилар.

Партияимиз Марказий Комитети барча совет халқи сингари комсомол ва ёшлар олдига ҳам улкан вазифалар қўйди. Беш йилликнинг муддатидан илгари бажариш, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпроқ еттиштириш комсомол ва ёшларнинг ҳам жанговар ишдир. Зарбдор объектиларни тезроқ ишга туширишда, янги ерларни очиб, у ерларда янги хўжаликлар барпо этишда, ёшларини Ватанга, партия ишига садоқат ва ғайрат, отанини ватанпарварлик, халқлар дўстлиги ва пролетар интернационалини руҳида тарбиялашда, йиғилиш ва қизларимизни билимдон, жисмоний жиҳатдан чиққан, одоқли, маданиятчан қилиб тарбиялашда, уларнинг ҳуш-ақолидаги арамас иллатларини йўқотинда комсомол ташкилотлари партияимизнинг энг яқин ва содиқ ёрдамчилари бўлиб иш олиб боришлари лозим.

Областимизнинг айрым комсомол ташкилотлари комсомоллар ва ёшларнинг ғайрат ва ташаббусини, таланти ва маҳоратини олдизинда турган вазифаларини бажаришга тўла сафарбар этганларича йўқ. Ёшлар ўртасида тарбиявий ишлар, айниқса, ишлаб чиқаришнинг ўрганиш, иқтисодий билимларини етказиш комсомол ўқув, физкультура ва спорт ҳаракати ҳозирги талаблар даражасида эмас. Айрим ёшларнинг юртин-туришин, жамоатчилик ўртасида ўзини тутишларидаги камчиликлар, енгил-елиш иш ордасидан қувниб, меҳнат ва ўқиниш, фойдали ишдан ўзларини четта олишлари халқимизнинг ҳақли равишда норозилигига сабаб бўлмоқда. Комсомол ташкилотлари бу масалаларга жиддий эътибор беришлари лозим.

Комсомол — Ленин фарзанди, партия фарзанди. У Совет давлати ташкил этилган биринчи кундан то ҳозиргача партия, Ватан, халқ иши учун бутун куч-ғайратини, қалб ҳароратини, билим ва ҳаётини сарф қилиб келмоқда. Комсомол ва ёшлар — келажакимиз, умид ва ишончимиз. Келгуси порлоқ коммунистик жамият улар қўли билан бунёд этилади. КПСС XXIV съезди қарорларида, ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида комсомол олдига жуда катта вазифалар қўйилган. Бу вазифаларни бажариш учун янада ғайрат ва шижоат кўрсатишимиз лозим. Миллионларнинг қудратли ҳаракати айланб кетган умумхалқ социалистик мусобақасида комсомол ва ёшлар олдинги сафда бормоқлари керак. Улар ишда ҳам, ўқинишда ва меҳнатда ҳам, ҳамма соҳада партия фарзандига, ажойиб совет халқининг олижаноб ўғли ва қизларига хос намуна кўрсатишлари, улар Ленин васиятларига содиқ бўлишлари зарур.

Бир ярим миллиондан ортиқ комсомолларини ўз атрофида уюштирган, Ўзбекистон Компартиясининг энг яқин ёрдамчиси Ўзбекистон комсомолларининг XX съезди делегатларига чин қалбдан салом йўллаймиз. Навқирон алоҳ ҳақида олға бораверсин. Партия раҳбарлигида коммунистик қурилишда янгидан янги зафарлар қучаверсин.

КВАРТАЛ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ ТАЙЁРГАРЛИК Қ И З Ё И Н

Калинин районидagi «Хаскони» совхозининг чорвадорлари моллар боқимини яхшилаб, юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Бўрдоқига қўйилган қорамоллар бир кеча-кундузда 400 урнига 500—600 граммгача семирмоқда. Шу сабабли гўшти тошчирилган қорамолларнинг ўртача тирик вазни 450—

470 килограммин ташкил этмоқда.

Яқинда чорвадорлар 29 тонна гўшт тошчириб, квартал планини ошириб бажардилар. Раҳим Нисомбеков, Сулнат Сиддиқов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган фермаларда чорвалар ишни мусобақа асосида олиб бораётганлиги тўғрисида юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Калинин районидagi «Ленин йўли» қолхозининг сабзавоткорлари, боғбонлари ва чорвадорлари бу йил ҳар қачондан ҳам катта ғайрат ва фидокорлик билан меҳнат қилмоқдалар. Бу илгори қолхоз аъзолари беш йиллик планни хўжаликнинг барча соҳалари бўйича шу йилнинг сентябрий ойига қадар бажариш мажбурийатини олиб, ҳозир барча ишларини ана шу юксак мажбурийатни ўз муддатига удалашга қаратганлар.

МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

Бекобод шаҳридаги 16-автобаза коллективи ўтган хўжалик йилини катта муваффақиятлар билан якунилади. Коллектив саноат, транспорт ва халқ хўжалигининг бошқа тармонларидаги ҳодимларнинг республика социалистик мусобақасида актив қатнашиб, яхши кўрсаткичларга эришди. Халқ хўжалиги молларини етказиб бериш планини 103,9 процент бажарди. Шу тўғрисида коллектив Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар

Совети, республика касабасоҳалари Советининг Қизил байроғини олишга муваффақ бўлди.

Юк ташини ва туширишда Т. Тошматов, С. Қим ва бошқа шофёрлар зўр ғайрат кўрсатиб ишладилар. Автобаза ишчилари ўтган йилда қўлга киритилган ютуқларини мустаҳкамлаб, бу йил салкам 5 миллион тоннага яқин юк ташини ва қўлга тоина ёнлигини тежаб қилиш юзасидан мажбурият олган ҳолда меҳнат қилишгача.

К. НОРМАТОВ.

Л. И. БРЕЖНЕВ Э. БАРИН ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев 27 февралда Кремлда ГФР Федерал министри Э. Барин қабул қилди. Сўхбат чоғида Совет Иттифоди Республикаси ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Шу билан бирга 1970 йил 12 августда тузилган шартнома ҳамда

1973 йил 21 майдаги қўйма баёноти асосида ҳар иккала мамлакат ўртасида турли соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтириш йўлидан боришга қатъий қарор берилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Сўхбат вақтида баъзи халқаро проблемалар ҳам қараб чиқилди. Учрашув амалий руҳда, рўй-рост вазиятда ўтди.

КАДРААРНИНГ ЎҚИШИ

Яқинда Тошкентда очилган республика раҳбар ҳодимлари малакасини ошириш институтини биринчи тингловчилар гуруҳи билиб чиқди.

Саноат, қурилиш, транспорт, алоқа ва савдо-сотиқни ташкил этиш ва бошқариш факультетининг, шунингдек қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ташкил этиш ва бошқариш факультетининг тингловчилари ўқиниш битирдилар. Совет қурилиш факультетидagi машғулотлар бир мунча илгарироқ туғаларди.

Бир қанча катта-катта корхоналарнинг раҳбарлари, область кишлоқ хўжалик бошқармаларининг бошлиқлари, область совхозлар трестларининг бошлиқлари, совхозларнинг директорлари, область

ижроия комитетларининг масъул ҳодимлари ўқинишга янги қилиндилар. Улар марксизм-ленинизм назарияси ва КПСС сиёсати масалалари, халқ хўжалигининг илмий бошқариш асослари, меҳнатий илмий ташкил этиш, ҳисоб-техникадан фойдаланиш, иш юритиш ва бошқа фанлардан бир қанча лекциялар тингладилар.

Яқунловчи машғулотларда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Н. Ж. Худойбердиев, республика Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров тингловчилар ҳузурида нутқ сўзладилар.

Институт тингловчилар янги гуруҳларини тузишга киришди.

(ЎзТАТ).

А. А. ГРОМИКО СУРИЯГА КЕЛДИ

Ўз вақтида келишиб олинганга мувофиқ, КПСС Марказий Комитети Сийёсий Бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико президент Асаднинг тақдирини билан 27 февралда Сурия Араб Республикасига самолётда учиб келди.

Шу кунчи ўртоқ А. А. Громико Дамашқа келди.

қатнашчилари физкультура ва | Қизил байроқлари топши

